Сўраган эдингиз...

# АГАР ШТАТ ҚИСҚАРСА

**Ҳурматли редакция, ҳозир янгича иш ҳақи тўлаш системасига ўтиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан газета саҳифасида корхона ва муассасалар ходимлари сони ва штат қисқартирилишига доир маълумот берилишини илтимос қилардик.**
**Н. ХОЛМУҲАМЕДОВА, С. АБДУРАҲИМОВА, К. ҲОШИМОВ, инженерлар.**

Меҳнатга янгича ҳақ тўлаш, хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи таъминлаш, бошқаришдаги ортиқча звеноларни бартараф қилиш, корхоналар структураси тармоқларини йириклаштириш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш маълумки ўз-ўзидан штат қисқаришига олиб келади.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақидаги Қонун 1 январь 1988 йилдан кучга киради. Ушбу қонуннинг 7-моддаси I пунктига асосан меҳнат коллективи Советига бошқариш ва корхонанинг ташкилий структурасини такомиллаштириш каби масалаларни ҳал қилиш ҳуқуқи берилган. Шунинг учун ходимлар сони ёки штатни қисқартириш ҳақидаги масалани ҳар бир меҳнат коллективи ёки жамоат ташкилоти ўз йиғилишига қўйиши мумкин. Шундан сўнг, масала умумий мажлисда ёки унинг Советида муҳокама қилинади. Қабул қилинган қарор корхона бошлиғи буйруғи билан расмийлаштирилади.

Қандай ходимлар штат қисқаришига тушиши мумкинлиги ҳақидаги тартиб Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари Кодексининг 42-моддасида кўрсатилган. Масалан, олти ходимдан иккитаси ишдан озод қилиниши керак, деб фараз қилайлик. Аввало, уларнинг меҳнат маҳсулдорлиги ва малакаси ҳисобга олинади. Яъни бир ходимни ишлаш маҳсулдорлиги ортиқ, аммо малакаси кам, бошқасида эса унинг тескариси. Бундай вазиятда иккинчи ходим ишдан бўшатилади.

Агар ҳар иккисида ҳам маҳсулдорлик баробар бўлиб, малакалари ҳар хил бўлса, у ҳолда штат қисқаришига кам малакали киши тушади. Агар ходимларнинг маҳсулдорлиги ва малакаси баробар бўлса вазият ўзгаради. Бундай ҳолда ишда қолишда устунлик қуйидагиларга берилади: қарамоғида икки ва ундан ортиқ киши бўлган оилаларга, оилада бошқа мустақил иш ҳақи олиб ишловчи кишилари бўлмаган шахсларга, ушбу корхонада (муассаса, ташкилотда) кўп йиллик узлуксиз иш стажига эга бўлган ходимларга, меҳнатда жароҳат ёки касб касаллиги олган ишчиларга берилади. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиб ўз малакасини ошираётган хизматчилар, уруш инвалидлари ва СССРни ҳимоя қилишда ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган ҳарбий хизматчилар ва партизанларнинг оила аъзоларига ҳам ишда қолиш ҳуқуқи берилади.

Агар штати қисқартирилган ходим корхона (ташкилот)даги таклиф қилинган бошқа ишга ўтишга розилик бермаса, у ҳолда Ўзбекистон ССР Меҳнат қонунлари Кодексининг 41-моддаси 1-банди билан у (фақат касаба союз комитетининг розилигини олиб) ишдан бўшатилади.

Янгича иш ҳақи тўлаш системасига ўтиш муносабати билан штати қисқартирилган ходимларни ишга жойлаштириш ҳақида гап борганида, аввало, уларни қайта тақсимлаш йўли билан корхона ичида ишга жойлаштириш мумкин. Масалан, ишни икки ва уч сменада ташкил қилиш бу усулнинг қулай йўлидир. Шунингдек, улар янги ишга туширилаётган корхона ва объектларга юборилади. Ишдан бўшаганларни иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Совети, область, ўлка, шаҳар ва район халқ депутатлари ижроия комитетлари ишга жойлаштиришга мажбур, буни амалга ошириш эса меҳнат бўйича органларга топширилган.

СССР Давлат меҳнат комитети ва ВЦСПС секретариати 1986 йил 26 сентябрда бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлардан бўшаётган ходимларни ишга жойлаштириш ва қайта тайёрлаш тартиби ҳақида муваққат қоидани тасдиқладилар. Унда кўрсатилишича, агар корхонада штат қисқариши муносабати билан ишдан бўшаган ходимни бошқа ишга ўтказиш имконияти бўлмаса, у ҳолда корхона штат қисқаришига икки ой қолганида ишга жойлаштириш имкониятлари, шунингдек, қонунда кўрсатилган имтиёзлар ва компенсациялар ҳақида ходимга тушунтирув бериши шарт. Шу муддат ичида корхона халқ депутатлари маҳаллий Советларига ишдан бўшатиладиган ходимларни корхонанинг ўзида бошқа ишга ўтказиш мумкин эмаслиги ёки келгусида ишга жойлаштириш тўғрисида маълумот тақдим этади.

Хўш, кимлар штат қисқартирилганида ишдан бўшатилмайди? Улар қуйидагилардир:

а) ҳомиладор аёллар, эмизувчи оналар ва бир ёшгача болалари бўлган аёллар;

б) олий ва ўрта махсус ўқув юртларини битирган ёш мутахассислар, ҳарбий хизматга чақирилувчилар;

г) ҳарбий йиғин ва командирлик машқларига чақирилувчи ишчи ва хизматчилар ишдан бўшатилмайдилар.

**А. ҲАСАНОВ,**
**юрисконсульт.**

# Озодалик—туман бойлик

Намунали шаҳар учун

**Тошкент бугунги кунда дўстлик, биродарлик, меҳмондўстлик тимсолларини ўзида сингдирган шаҳарга айланиб қолди. Йирик анжуманлар, халқаро фестиваллар, катта-катта байрамлар ўтказилишга танланадиган жойга айланиб бораётганлиги кишини беҳад қувонтиради. Бу ерда жуда кўп билим даргоҳлари, уларда эса турли миллат вакиллари қунт билан сабоқ олмоқда. Шаҳримизда, шунингдек, фан аҳлларини ўзида бирлаштирган республика Фанлар академияси, олий ўқув юртлари, техникумлар фаолият кўрсатмоқда. Йирик саноат корхоналари, улкан иншоотлар, маданий-маиший хизмат муассасалари, театрлари, сўлим хиёбонлари шулар жумласидандир. Бугунги куннинг йирик қурилишларидан ҳисобланган метро тобора кенгайиб бормоқда.**

**Хуллас, азим Тошкентимизда бизнинг билим олишимиз, меҳнат қилишимиз ҳамда дам олишимиз учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд. Иттифоқ шаҳарлари орасида эса ўзининг салмоғи жиҳатидан тўртинчи ўринда туриши биз учун фахрлидир.**

**Бу масканни севиб қадрлашимизнинг яна муҳим боиси шуки — Тошкентнинг ҳавоси тоза, суви ширин, қуёши нурли, табиати гўзалдир. Табиатга оқилона муносабатда бўлиш, шаҳримизнинг атроф-муҳитини муҳофаза қилиш, уни тоза, озода сақлаш ҳар биримиздан баравар талаб этиладиган ҳақиқатдир. Шундай экан, шаҳарнинг ҳамма кўчалари, хиёбонлари, транспорт бекатлари, аҳоли яшайдиган массивлар, хуллас ҳамма жойда тозалик, озодалик барқ урмоғи, кишиларимиз эса шунга доим эътиборда бўлмоқлари лозим. Тозалик — соғлиқнинг гарови эканлигини унутмаслик керак.**

**Хўш, Сизнингча шаҳар озодалиги қониқарлими! Шаҳарнинг марказ қисмини кўзда тутиб ҳа, дейиш мумкин. Чиндан ҳам Ленин проспекти, Навоий кўчаси, Космонавтлар проспекти, Халқлар дўстлиги майдони, Инқилоб хиёбони ва бошқа бир қанча диққатга сазовор жойларимизда ажойиб манзаранинг гувоҳи бўламиз.**

**Лекин, марказдан узоқлашган сайинчи! Афсуски, кўп жойларда бунинг аксини кўрасиз. Мана, транспорт бекатларини олинг, ҳаммаёқда сигарета қолдиқлари, фойдаланилган абонемент билетлари, ҳар хил қоғозлар, писта пўчоқлари ва шунга ўхшаш нарсалар сочилиб ётади. Кўп жойларда эса ахлат яшикларининг ўзи кўринмайди, чунки синдириб кетишган. Шуниси ажабланарлики, бўлганда ҳам ўша нарсаларни яшикларга ташламасдан тўғри келган томонга улоқтириб юбораверишади. Ахир бир қадам юриб яшикка ташлашса асакаси кетадими!**

**Иссиқ кунларда музқаймоқ ейиш, албатта, каттадан кичикка ёқади. Лекин, музқаймоқ ейишда ҳам маълум тартиб, қоидага амал қилинса. Чунки бўшаган музқаймоқ идишлари ва қоғозларини тўғри келган жойларга ташлаб кетавериш, бу ҳам етмаганидек бино деразалари олдига, савдо киоскалари суянчиқларига қаймоғини оқизиб қатор қилиб қўйиб кетишни нима билан изоҳлаш мумкин! Янаям ачинарлиси шундаки, ҳатто нон маҳсулотидан тайёрланган музқаймоқ идишларини ҳам шулар ёнида учратасиз. Худди, шунингдек, сомса ва перашкаларнинг чала ейилган қолдиқларини ҳар жойда учратиш мумкин.**

**Кўчаларда, бекатларда, аҳоли пунктларида ва бошқа жамоат жойларида содир бўлаётган бундай салбий ҳолларга авваламбор ўзимизнинг бефарқлигимиз сабаб бўлса, иккинчи томони ўша жойларга тайинланган фаррошларимизнинг ўз вазифаларига қўл учида қарашларидир.**

**Маълумотларга қараганда, Тошкент шаҳри бўйича беш ярим минг киши фаррошликдан ҳақ олар экан. Бу жуда катта куч. Агар улар ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошсалар, аминмизки кўчалар, бекатлар бунчалик ифлос бўлмасди.**

**Бозорларда ҳам озодалик ёмон ҳолда. Қўйлиқ колхоз бозорида буни яққол кўриш мумкин. Студентлар шаҳарчаси, Қорақамиш, Юнусобод ва «Ғалабанинг 40 йиллиги» массивларида чиқиндиларнинг тез-тез тўлиб қолаётганлиги, уни ўз вақтида олиб кетилмаётганлиги, оқибатда эса жойларнинг ўзида ёқиб юборилаётганлигидан кўпчилик ташвишланмоқда. Чунки аччиқ тутун атмосфера ҳавосини ифлослантириб, киши саломатлигига ёмон таъсир қилмоқда.**

**Шаҳар озодалигини сақлаш иши доим ҳаммамизнинг диққат-эътиборимизда бўлиши керак. Баъзи бефаросатсизликларга батамом чек қўйилса яхши иш бўлур эди. Шундай экан, шаҳарни биз ўз хонадонимиз деб қарашимиз лозим.**

**Айтайлик, хонадонингизга меҳмон кириб келганда хона саришталиги бироз кўнгилдагидек бўлмаса, меҳмон олдида ноқулай аҳволга тушиб қоласиз. Ҳатто кетгандан кейин ҳам кўп вақтлар ўйлаб юрасиз.**

**Модомики шундай экан, Тошкентга бир кунда қанчадан-қанча меҳмонлар келиб кетишади, шаҳар бўйлаб айланишади. Шундай бўлгандан кейин улар тасаввурида, албатта, яхши таассурот қолишини ҳаммамиз истаймиз. Бунинг учун шаҳар фақат шанбалик ўтказилган кунлари эмас, балки ҳамма вақт тоза бўлмоғи керак.**

**О. КУБАЕВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физиология институтининг илмий ходими.**

«Оқшом»га хатлар

## Икки хил талқин

Мен врачлик меҳнат экспертиза комиссиясининг хулосасига кўра 1985 йилнинг 4 майидан учинчи группа инвалидлигига чиққан эдим. Лекин меҳнат инвалиди ва уруш қатнашчисига бериладиган 50 процентли имтиёздан 1986 йилнинг апрель ойидан бошлаб фойдаланмоқдаман.

«Человек и закон» журналининг 1987 йил ноябрь сонида эълон қилинган «Ветеранлар, Сизлар учун» сарлавҳали мақолани ўқиб хурсанд бўлдим. Унда умумий касаллик, жароҳатланиш ва бошқа сабаб билан инвалидликка чиққан уруш қатнашчилари инвалидлик белгиланган кундан бошлаб имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар, деб ёзилган эди.

Мақолани ўқигандан кейин «Ташгаз» газлаштириш ва газ таъминоти ишлаб чиқариш бошқармасига бориб, аввалги бир йил учун имтиёздан фойдаланишим мумкин эканлигини айтдим. Бошқарма бошлиғининг ўринбосари Антонина Земцева, биздаги кўрсатмада инвалидлар ҳужжатларини топширган кундан бошлаб имтиёздан фойдаланиши кўрсатилган, деди.

Ҳайрон бўлиб қолдим. Нега энди бир қоидани икки хил талқин қилишади?

**М. МАҲМУДЖОНОВ,**
**Улуғ Ватан уруши ветерани.**

ТАБИАТ—ИНСОН ОНАСИ

## Кумуш қиш хосияти

**Янги йилнинг арафасида, декабрь ойи охирида изғирин эсиб, қор ёғиши ҳаммага қувонч бағишлади. Янги йил арчасини, бир ёш улғайиш кунини оппоқ қор билан, тоза қиш ҳавоси билан кутиб олишнинг ўзига хос гашти-сурури, завқ-шавқи бор-да!**

**Қиш фаслининг декабрь ойи ҳам ўтди. 22 декабрь йилнинг энг қисқа куни ва энг узун туни бўлиб, одатда бу кунни қишки қуёш туриши дейилади. Шундан кейин кундузга аста-секин минутлар қўшилиши билан кун узая боради.**

**Қишнинг иккинчи ойи — январь қаҳратон қиш ҳисобланади. 25 декабрда бошланган қиш чилласи 5 февралгача давом этади.**

**Январь ойида ёғадиган қорларнинг шакл-шамойилини кузатсангиз, уларнинг турлича бўлишини билиб оласиз. Атмосфера ҳавосининг ҳарорати ва намлиги ҳар хил бўлишига қараб қор учқунлари турли шаклда вужудга келади. Метеоролог-олимлар об-ҳавонинг қандай бўлишини қор учқунларининг тузилишига қараб олдиндан айтиб беришади. Қор учқунларининг кристаллчалари ёруғлик нурини турли томонга акс эттиради, яъни тарқатиб юборади. Ана шу ҳодиса сабабли қор одам кўзига тиниқ эмас, оппоқ бўлиб кўринади. Қорнинг юмшоқлиги ва ғоваклиги, яъни қор учқунлари орасида кўп ҳаво борлиги ҳам уни оппоқ қилиб кўрсатади.**

**Тошкентимизда ёмғирга қараганда қор кам ёғади ва бир неча кунгина туриб, тез эриб кетди. Қорнинг яхши хосияти — тупроқни музлашдан сақлашидир. Шаҳарликлар ўз боғ-томорқаларидаги, ҳовлиларидаги мевали дов-дарахтлар остига қорни кўмма қилиб қўйсалар ғоят фойдали бўлади. Қор сувлари тупроққа аста-секин сингиб, дарахтнинг баҳорда дуркун ўсиши ва мўл-кўл ҳосил беришига барака қўшади.**

**Қиш чилласида қорлар ва ёмғирлар кўп бўлган кунларда мусича, чумчуқ, зағизғон каби қушларга дон-дун, ушоқ-озиқ берилса айни муддао бўлади.**

**Қишнинг изғиринли кунларида об-ҳавога қараб иссиқ кийиниш, бош кийимсиз юрмаслик, яхши дам, сифатли овқат ва гаштли меҳнат саломатлик гаровидир.**



«Қор — қишнинг зийнати». Ш. Иброҳимов фотоэтюди.

Коинот—88

## Сайёралар ҳаракати

Январь ойи давомида осмон сайёраларининг ҳаракати ва метеор оқимлари қизиқарли бўлади. Марс юлдузи тонг отишига 4 соат қолганда шарқдан кўтарила бошлайди. Ой ўртасида Чаён туркумининг бирин-кетин турган юлдузидан (Чаён қисқичларидан), ой охирида эса Чаён туркумининг энг ёруғ юлдузи Антаресдан тепароқ ўтади. Бу пайтда Марс Антаресдан хира кўринади, шунинг учун уни топиш осон бўлади.

Январь ойи давомида Зуҳра юлдузи кўринмайди. Юпитерни кузатишга йилнинг дастлабки ой тунлари жуда қулай бўлади. У жанубда баланд кўтарилиб Балиқлар туркумида кўринади. Бу ойда метеор оқимларидан Квадрантида оқими кўриниши кутилади. Бу оқим Қутб юлдузи атрофида кўринади.

Ҳаваскор астрономлар йил мобайнида астрономик кузатишлар учун кичик телескоп, кучли дурбин ёки ўзлари ясаган астрономик трубалардан фойдаланиб сайёраларни, уларнинг йўлдошлари, ҳалқалари ва доғларини бемалол кўрсалар бўлади.

Шифобахш ўсимликлар

## «Келин тили»

**Азиз оқшомхон, сарлавҳани ўқиб ажабланманг. «Келин тили» дегани бир йиллик ўсимлик бўлиб, унинг бўйи 30— 90 сантиметргача етади. Пояси тик ўсади, бўғинли, цилиндрсимон шохланган бўлади. Пастки барглари пояга банди билан, қолганлари эса бандсиз кетма-кет ўрнашган. Баргларининг юқори томонида қўнғир рангли доғлари бор. Гуллари поя ва шохлари учида шингилга тўпланган. Меваси қора рангли, тухумсимон.**

**«Келин тили» ўсимлиги таркибида эфир мойлари, органик кислоталар, қандлар, ошловчи ва шиллиқ моддалар, рутин, кверцитин, гиперозид, ҳаёт учун зарур бўлган витаминлар — К, А, С, Е, Д, ситестерин ва бошқа моддалар борлиги учун талайгина касалликларга даво бўлади. Чунончи, ундан тайёрланган қайнатма бавосил хасталигида ва пешоб ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади. Шунингдек, қайнатма билан темиратки, терига тошган тошмалар ва яралар ювилади.**

**Бу ўсимлик азалдан ишлатилиб келинади.**

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**фарғоналик доришунос.**

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида фан-техника тараққиётини янада жадаллаштириш, аҳолининг яшаш шароитини янада яхшилаш билан бир қаторда, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ҳам катта ўрин берилган.

Ер юзида одамларнинг сони ортиб борган сари атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўзимиз нафас олаётган атмосферани тоза сақлаш яна ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Кўпгина саноат корхоналарида пайдо бўлаётган чиқиндилар аксарият ҳолларда ишлатилмай қолиши мумкин. Чиқиндилар миқдори ортган сари уни йўқотиш керак бўлади. Корхона раҳбарлари бундай чиқиндиларни аста-секин бирор ерга ташлашни, сувга оқизишни ёки табиий газ ёрдамида ёқишни лозим топадилар. Агар бу чиқинди заҳарли бўлса ерни заҳарлайди, сувни ифлослайди, ёқилганда чиқадиган ҳар хил газлар эса атмосферани заҳарлайди.

Д. И. Менделеев химияда чиқиндилар йўқ, балки ишлатилмаган маҳсулот бордир. Бир тармоқнинг чиқиндиси иккинчи бирига потенциал ресурс бўлиб хизмат қилади, деган эди. Шунинг учун химия ва химиявий технология табиатни муҳофаза қилиш проблемасини ечишда, маҳсулотдан комплекс фойдаланиш ва чиқиндиларни йўқотишнинг ўзига хос калити ҳисобланади. Чиқиндилардан тўғри ва ўз жойида фойдаланиш ҳозирги куннинг энг актуал проблемаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Илмий лабораторияларда

## Химияда чиқинди йўқ

Бир неча йиллардан бери республикамизда қаттиқ, донали ўғитлар билан бир қаторда, суюқ ўғитлар ҳам кенг миқёсда қўлланилиб келинмоқда. Суюқ ўғитларнинг олинишида парлантириш, қуритиш ва доналаш ишлари бўлмайди. Шунинг учун ҳам улар донали ўғитга нисбатан арзонга тушади. Чирчиқ шаҳридаги «УзКТЖМ» комбинати инженер ходимлари билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия институти илмий ходимларининг ҳамкорлиги натижасида комбинатнинг чиқинди сувларидан бир қатор суюқ химиявий ўғитлар олинди. Чиқинди сувлар асосида ўтган йиллар мобайнида Химия институти илмий ходимлари ишлаб чиққан технология бўйича 30 минг тоннадан зиёд, таркибида микроэлементи бўлган суюқ азотли ўғитлар олинди ва республикамизнинг колхоз ва совхозларига тарқатилди.

Ҳар бир қурилаётган завод ва фабрикада асосий маҳсулотни олишда ҳосил бўладиган чиқиндидан қай тарзда фойдаланиш мумкинлигини олдиндан ҳал этилса ҳозирги куннинг талабига жавоб берилди, деса бўлади. Масалан, марказий Қизилқумда фосфорит рудасини қайта ишлаш заводи қурилиши планлаштирилаяпти. Янги рудадан концентрацияси баланд маҳсулот олишда чиқинди сифатида жуда кўп миқдорда юқори карбонатли фосфорит шлами ҳосил бўлади. Ана шу шламдан олдиндан фойдаланиш усуллари комплекс ўғитлар лабораториясида, химия фанлари кандидати, лаборатория мудири А. Амирова бошчилигида ишлаб чиқилмоқда. Шламнинг таркиби 50—70 процент кальций карбонатдан, 8—12 процент фосфордан иборатдир. Бу шлам кальций селитрасини физик-кимёвий хоссасини яхшилашда ва уни нейтраллаш процессида ишлатилади. Бундан ташқари, шлам ўзи азот кислотаси билан қайта ишланиб кальций ўғити олинади. Бу ўғитлардан республикамизнинг шўрхок ерларида фойдаланиш мумкин. Бошланғич маълумотларга кўра бу ўғитларнинг пахтадан берган қўшимча ҳосили 5—10 процентни ташкил этди. Шламдан кальцийнинг юқори концентрацияли иккиламчи фосфорли (преципимам) тузини олишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Чирчиқ шаҳридаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасининг табиий газларни углерод оксидидан моноэтаноламин билан тозалаш цехида куб қолдиғи деб аталувчи чиқинди ҳосил бўлади. Куб қолдиғининг таркибида 30—40 процентгача моноэтаноламин моддаси бор.

Ҳозирги кунда куб қолдиғи табиий газ ёрдамида ёқилмоқда. Бир тонна шундай чиқиндини ёқиш учун 300 куб метр табиий газ керак бўлаяпти. Ёқилганда ажралиб чиқувчи ўта ҳидли газлар Чирчиқ шаҳри атмосферасини заҳарлаяпти. Ёқишда табиий газдан фойдаланиш эса завод экономикаси учун ҳам катта зарардир. Институт илмий ходимлари томонидан шу чиқинди асосида ўстирувчи препарат олинди. Бу иш юзасидан авторлик гувоҳномаси олинди. Ана шу куб қолдиғи асосида олинган ўстирувчи препарат бир неча йиллардан бери институт агрохимия лабораториясида текширувлардан ўтди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, бу препарат билан чигит намланиб экилганда пахтанинг униб чиқиши тезлашди ва ҳосили эса гектарига контролга нисбатан 2—3 центнерга ошди.

Саноат чиқиндиларидан ўз жойида фойдаланиш масаласида микроэлементлар лабораториясида ҳам анча ишлар амалга оширилмоқда. Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатида кобальт чиқиндиси бор. Ана шу чиқиндидаги кобальт Олмалиқ химия заводида микроэлементли аммофос олишда ишлатилаяпти.

**Зикрилла ИСАБОЕВ.**



«Меҳрибон дугоналар». Р. Шарипов фотоэтюди.

# Алкоголь кулфати

**Олимларнинг аниқлашича, ичкиликбозлар орасида 25 ёшдан 50 ёшгача бўлган кишиларнинг турли касалликлар билан ўлиши спиртли ичимлик ичмайдиган шу ёшдаги одамлар ўлимига нисбатан 80 фоиз кўп экан.**

* * *

**Тозаланмаган спирт, денатурат, самогон каби турли ясама арақлар асаб системаси учун ниҳоятда зарарлидир. Булар одамни қаттиқ заҳарлайди, кўр қилади, ўлимга олиб боради.**

* * *

**Мунтазам ичиб юриш ички аъзоларни аста-секин емиради ва жисмоний дармонсизликка олиб келади, кишининг иш қобилиятини ва иродасини сусайтиради.**

* * *

**Алкоголь — оғу, у организмни аста-секин, бироқ шак-шубҳасиз ишдан чиқаради, ҳаётга бўлган орзу-ҳавасини сўндиради, қанчадан-қанча истеъдодли одамларни хароб қилади, инсонлар қадрини поймол этади, аксари жиноятлар ва фалокатларга олиб боради.**

* * *

**Ичкиликбозлик бевақт ўлимга олиб келади. Баъзи ўлим ҳоллари бевосита алкоголь таъсирига боғлиқ. Маст кишилар кўпинча шикастланиш туфайли ҳалок бўладилар.**

* * *

**Ичкиликбоз ота-онадан ақли заиф, ногирон, ҳатто майиб-мажруҳ болалар туғилади. Мастлик ҳолатида бола бўлиб қолганида ҳомила нотўғри ривожланади. Бола ой-куни тўлмай тушиши, ногирон, кўр, чўлоқ бўлиб туғилиши мумкин. Шунинг учун ҳам никоҳ кечаси келин-куёвга ичкилик берилмайди.**

* * *

**Алкоголизм аёлларда эркакларга нисбатан оғирроқ кечади. Биринчидан, аёл эркакка нисбатан тезроқ алкоголга ўрганиб қолади. Агар эркак алкоголизмга учраши учун 7 — 10 йил мунтазам ичиши керак бўлса, аёл 1—3 йил мобайнида ичкиликка ўрганиб қолади. Ичкиликбоз аёлларнинг кўпчилигида оналик меҳри, оила ва болалари олдидаги масъулият ҳисси йўқолади.**

* * *

**Дастлабки вино қадаҳи қанчалик барвақт ичилса, унинг оқибати шунчалик оғир ва аянчли бўлади. 14—16 яшар ўғил ёки қиз болага берилган бир қадаҳ кучсиз вино катта ёшли одамнинг бир шиша арақ ичгани каби ёмон таъсир қилади.**

* * *

**Алкоголизм миллионлаб одамлар саломатлигига путур етказади, бир қатор касалликларда ўлимни кўпайтиради, кўпроқ жамиятнинг порлоқ келажагига, маънавий асосига болта уради. Лекин пиёнисталикнинг энг мудҳиш оқибатлари ҳали бу билан тугамайди. Ҳар бир халқ ва инсоният учун энг катта офат, умуман олганда, эси паст болаларнинг туғилишидир.**

* * *

**30—35 грамм арақ ичилганда одамнинг интеллектуал қобилияти бир неча соатдан бир-икки кунгача пасайиши исбот қилинган. Ҳатто ҳисоблаш каби оддий вазифалар оғзаки ёки ёзма равишда бажарилганда ичилган 20—25 грамм ичкилик иш суръатининг пасайишига ва хатолар сонининг кўпайишига олиб боради. Ҳарф терувчиларда ҳарф териш тезлиги 15 процентга камаяди, машинисткаларда эса хатолар сони 20 процентга ортади.**

* * *

**Кўп ичкилик ичадиган аёлларда ва ҳатто бу ярамас одатни ташлаган кишиларда кексаликка хос эси пастлик анча барвақт пайдо бўлади. Чамаси, алкоголнинг бош мияда кўп йиғилиши натижасида ҳужайралар анча тезроқ емирилади, шунинг учун ҳам ақлий қобилият анча барвақт инқирозга учрайди.**

Ия, наҳотки?!.

## Инсофни билмаганлар

**Эшитмадим деманглар, армонда қолиб юрманглар, Собир Раҳимов районидаги «Бирлик» маҳалласи чойхонаси билан магазин олдидаги кўча водопроводидан икки йилдан бери ичимлик тоза сув шариллаб оқиб ётади. Маҳалла аҳли бир неча бор «Водоканал» трестига телефон қилиб бу ҳақда хабар берди.**

**— Сув — ҳаёт манбаи, уни исроф қилманг, деган гапни биласизларми! — сўрашди куюнчак одамлар.**

**— Ҳа, сув — ҳаёт манбаи, уни ифлос қилманг, деган шиорни биламиз, — дейишди водоканалдагилар.**

**— Ҳай биродарлар, биз водопровод сувини ифлос қилаётганимиз йўқ, икки йилдан бери тоза сув исроф бўлаётганини айтаяпмиз... Ия, наҳотки ифлос сўзи билан исроф сўзининг фарқига етмасанглар.**

**Қарангки шу райондаги «Мустаҳкам» маҳалласи чойхонаси олдидаги водопровод жўмрагидан ҳам уч йилдан бери сув шариллаб оқиб ётган эмиш, унинг жўмрагини тузатиш «Водоканал» трестидаги ўртоқларга малол келаётган эмиш... Бу ўртоқлар бир литр ичимлик тоза сув 7 тийин туришини, бузилган жўмракдан 2—3 йил ичида минг-минглаб литр сув беҳуда оқиб кетаётганини билишмаса! Ия, наҳотки!!.**





**Д. АҲМЕДОВ олган суратлар.**

Табиатнинг қизиқ табиати

### АЖОЙИБ ДАРАХТ

Баобаб — дунёда энг ажойиб дарахт. У жуда ҳам чидамли ўсимлик. Кесиб йиқитганимизда ҳам ҳалок бўлмайди. Мабодо унинг пўстлоғидан бир бурдаси ерда қолса борми, у ўсишда давом этаверади: бу дарахтнинг меваси қовурилса «кофе» қайнатилади, пўстлоғидан совун ва ўсимлик мойи тайёрланади. илдизидан пойафзал мойи тайёрланади, танасидан қоғоз, арқон ва кийим ишланади.

Африкани текширган машҳур тадқиқотчи Ливингстон ичига 20—30 одам сиғадиган ковакли баобабни кўрганлигини ёзади. Зимбабведа шундай баобабнинг танасидаги ковак 30 сайёҳ жойлашадиган маскан сифатида фойдаланилади.

### ИТЛАР ЎРНИГА ҒОЗЛАР

Бразилия телевидениеси, радио ва газеталарида Александра Аморал деган одамнинг ғозларини, қадимги Римни қутқариб қолган ўз ғозларини сотиб олиш ҳақидаги эълонларни тез-тез чиқариб турадилар. У ҳозирги замон ғозлари ўзларининг ўтмишдаги авлодлари сингари ҳушёр ва ақлли деб мақтайди. Маълум муддат улар билан машқ ўтказилса ишончли қўриқчилар бўлишади. Ўргатилган бу қушлар эгаларига тез ўрганишади ва танишади, бор овозлари билан қағиллаб бегоналар пайдо бўлганлиги ҳақида огоҳлантирадилар. Мабодо бегона одамни ғақиллаб ҳайдашолмаса, унга қанотлари ва тумшуғи билан ҳужумга ўтадилар.

Аҳад НОСИРОВ тайёрлаган.

